

ЁШЛАР ОНГИДА ИННОВАЦИОН ФИКРЛАШНИ УЙГОТИШ УСУЛЛАРИ

Рўзимуродов Бехрўз Исматуллоевич

Термиз мухандислик-технология институти Кимёвий технология таълим
йўналиши 3 курс 10-19 гурӯҳ талабаси

bexruzbekhruz@gmail.com

Жавгашев Йигитали Жура угли

Термиз мухандислик-технология институти Кимёвий технология таълим
йўналиши 3 курс 10-19 гурӯҳ талабаси

yigitalijurayevich3@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада “Учинчи ренессанс” даврига пойдевор қуриш даврида ёшлар онгида инновацион фикрлашни уйғотиш бўйича бир қатор таклифлар изоҳланади. Хусусан, олий таълим муассасалари талабаларининг инновацион ғояларини маълум миқдордаги маблағлар билан рағбатлантириш ва ушбу ғояларни Startup лойиҳаларга айлантириш механизми баён этилган.

Калит сўзлар: ренессанс даври, инновация, мотивация.

Аннотация

В данной статье разъясняется ряд предложений по пробуждению инновационного мышления в сознании молодежи в период строительства основ «Третьего Возрождения». В частности, описан механизм стимулирования инновационных идей студентов высших учебных заведений с определенным объемом средств и конвертации этих идей в Startup-проекты.

Ключевые слова: ренессанс, инновации, мотивация.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 30 сентябрь “1 Октябрь Устозлар ва мураббийлар куни” байрамига бағишлиланган тадбирда “Учинчи ренессанс” даврига пойдевор қўйиш вақти келганлигини

билдириб, қуидаги сўзларни айтганди: “Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё худудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз худудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Мұхаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий қашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир қўрсатди. “Ислом маданиятининг олтин асли” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиқкан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурури хисобланади. Ўн бешинчى асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Ҳондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музахҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди. Донишманд ҳалқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган ҳалқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғуурур ва ифтихор бағишлиайди” [1].

Учинчи ренессанс даврига пойдевор қўйишда ишни дастлаб боғчадан бошлаш керак, деб ўйлайман. Боғча тарбияланувчилари 2-6 ёшда бўлиб, тарбиячи ўргатган барча нарсаларни тез илғаб олади ва улардан камида 50 % ини бутун умрга хотирасида сақлайди. Шунинг учун ушбу ёшда инновацион фикрлашни уйғотиш учун рационализаторлик, конструкторлик, ижодкорлик ва инновацион фикрловчи болажонларни психологик тестлар орқали аниқлаб олиш, гуруҳларга ажратиш ва уларга турли инновацион ўйинлардан иборат 15 -

30 дақылалык дарслар үтилиши керак. Масалан, турли қоғоз бўлакларидан ўйинчоқлар ясаш, “Lego” ўйини бўлакларидан турли шакллар ҳосил қилиш ва ҳоказо. Шунингдек, боғча тарбиячилари болажонларнинг дунёни билиш учун берадиган барча саволларига уларнинг инновацион фикрлашини ўстирадиган ҳолда жавоб беришлари керак. Демак, боғча тарбиячиларини танлаб олишда уларнинг новаторлик қобилиятини ҳам ҳисобга олиш керак бўлар экан. Боғчада маълум бир қўникмаларни эгаллаган болажонларни мактабга қабул қилишда сўровнома шаклида у қандай қобилиятга эга эканлиги психологлар томонидан аниқлаб олиниши ва уни мактабда 11 йил давомида ўқитишининг айнан “инновацион фикрлашини ривожлантириш” бўйича режа тузиб олиниши ҳамда ушбу режа асосида мактабнинг Таълим технологияси фани ўқитувчилари ўқитиб боришлари керак. Ҳар ўқув йилининг охирида мактабларда синфлар бўйича “Инновацион ғоялар” танлови ташкил этилиб, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириб бориш шарт. Зеро болаларни рағбатлантириш орқали инновацион фикрлаш бўйича кучли мотивация бериш мумкин бўлади. Мактабда дарсдан кейинги ташкил этиладиган тўгарак, кружок ва факультатив дарсларни тубдан ислоҳ қилиш керак. Бу тўгаракларни номига ташкил этиш эмас, балки мактаб директори жамғармаси ҳисобидан тўгаракда фаол бўлган ўқувчиларга маҳсус стипендиялар (энг яхши ихтирочи, энг яхши ғоя муаллифи, энг яхши новатор конструктор, энг яхши авиамоделчи ва ҳоказо) ташкил этилиши, тўгарак раҳбарларига керак бўлса, натижаларига қараб 100 % гача устама ҳақ берилиши зарур бўлади. Мактабларда баъзи фанларни қисқартириб, асосий урғуни аниқ фанларга бериш, кунлик дарс соатларини 5 соатдан оширмасдан, қолган вақтда айнан инновацион фикрлашни уйғотадиган турли тадбирлар ва тўгараклар ташкил этилиши, ҳудуддаги IT паркларга саёҳатлар уюштириш, илғор ихтирочи олимлар билан учрашувлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Энди боғчада бирламчи инновацион фикрлашни шакллантирган болажонлар мактабда бу фикрлашларини ривожлантириб, ўзининг ғоясини амалиётга жорий қилиш бўйича изланиш ва меҳнат қилишга ўргатилса, ўқувчи олий таълим муассасасига кирганда Startup лойиҳалар орқали

ўз инновацион ғояларини амалиётга жорий қилиши осон бўлади. ОТМ ларида илмий ва инновацион ишлар бўлими томонидан талабаларнинг инновацион ғояларини доимий рағбатлантириб бориш механизмини йўлга қўйиш лозим. Японияда ҳар бир худудда инновацион ғояларни қабул қилиш нуқталари ташкил этилган бўлиб, ўз инновацион ғоясини топширган фуқароларга маълум миқдорда пул маблағи берилар экан. Бериладиган пул маблағлари ғоянинг қай даражада мукаммаллигига қаралмасдан, бир хил миқдорда берилади. Энди ушбу ғояларнинг ичидан экспертизадан ўтган, амалиётга жорий қилишга яроқли деб топилганлари ажратилиб, ғоя эгаси номига патентлаштирилади, ишлаб чиқаришга жорий этилади ва ишлаб чиқариш тўхтатилгунча, яъни ушбу ғоя эскиргунча, ғоя эгаси доимий маълум фоизда маблағ билан таъминланади [2]. Агар ҳар бир олий таълим муассасасида илмий ишланмалар, ғоялар, рационализаторлик таклифларини қабул қилиш бўлимлари ташкил этилиб, уларда ғоя муаллифларини доимий рағбатлантирилиб борилса, қабул қилинган ғояларни ичидан танлаб олинганларини амалиётга жорий этиш (танлов, стартап, амалий ва инновацион лойиҳалар шаклида) ишларига кўмаклашилса, бунинг учун шароит (лаборатория, устахона, компьютер технологиялари) яратилса, учинчи ренессанс даврига президентимиз айтганларидек, пойдевор қўйган бўламиз. Бу эса яқин 5-10 йилда ўз самарасини беради ва давлатимиз истиқболида ёшларнинг асосий куч эканлигини яна бир бор исботлайди.

Ёшларимиз ичida инновацион фикловчилари жуда кўп, лекин бу ёшларни танлаб олиш, уларга ғояларини амалга оширишда шароит ва йўл-йўрик кўрсатиб берадиган устозлар бел боғласа, юртимиз равнақи бунданда ортган, Учинчи ренессанс даврини албатта амалга оширган бўлар эдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрь “1-октябрь Устозлар ва мураббийлар куни” га бағишлиланган тадбирдаги нутқи. “Халқ сўзи” газетасининг 2020 йил 1 октябрь сони.
2. Мартынов Д.В., Смольникова И.А. Федеральные электронные общеобразовательные ресурсы –основа дальнейшего творчества. -М.: РГСУ, 2006, т.2.11.
3. www.lex.uz
4. <https://ziyonet.uz>
5. <https://arxiv.uz>
6. <https://forum.ziyouz.com>
7. <https://referat.uz>